O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 3 11 2 99

**Da'vat**

**Муносиб яшалган ҳаётни йиллар билан эмас, балки қилинган ишлар билан ўлчамоқ зарур.**

**Ричард ШЕРИДАН**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 29 декабрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 103 (7196)

**Ibrat**

**Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйларининг иқтидорли тарбияланувчилари иштирокида янги йилга бағишланган хайрия арча байрами ва болалар расмлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Байрам қатнашчилари ва кўргазма ғолибларига бўлган болаларга совғалар берилди.**

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ СУРХОНДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Фидокорлар миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислом Каримов 25 декабр куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссиясининг раиси Отабек Раҳимов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Қувондиқ Мадартов учрашув қатнашчиларини Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Ишончли вакил ўз сўзида Сурхон аҳли Ватанимизнинг истиқлолга эришиши, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик ишларини, барча соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотларни Ислом Каримов юритаётган изчил сиёсат натижаси деб билишини таъкидлади.

Ислом Каримов учрашувда нутқ сўзлади.

Йўлбошчимиз мустақиллик йилларида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Сурхон воҳасида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлади. Бу янгиланиш замонавий лойиҳалар ва миллий меъморлик услубида қурилган кўплаб маданий-маиший бинолар, мактаблар, боғчалар, янги турар жой бинолари, саноат корхоналари, гузарлар мисолида намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, яқинда халқимизнинг бебаҳо маънавий мулки бўлган "Алпомиш" достонининг минг йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонлангани, шу қутлуғ сана шарофати билан муҳташам "Алпомиш" ёдгорлик мажмуи барпо этилгани маънавий ҳаётимиздаги энг унутилмас воқеалардан бири бўлди.

Сурхондарё вилояти мамлакатимиз иқтисодиётида ўзига хос салоҳиятга эга, деди Ислом Каримов. Гарчи бу ерда деҳқончилик етакчи соҳа ҳисобланса-да, саноат ҳам ривож топиб бораётгани эътиборга моликдир. Вилоятда жорий йилда қарийб 30 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бунда нодавлат секторининг улуши 92 фоизни ташкил қилгани саноатда бозор муносабатлари тобора мустаҳкам қарор топаётганини кўрсатади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугунги куннинг энг устивор ва долзарб вазифаси — ислоҳотларимизнинг самарасини ошириш, аввалombор, халқимизнинг, одамларимизнинг қалбида бунёдкорлик ишларига интилиш ва рағбат уйғотиш, тадбиркорлик ҳаракати йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш билан узвий боғлиқ.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги мавжуд имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланиш учун ҳозирги вақтда зарар кўриб ишлаётган давлат ва жамоа хўжаликлари ўрнида мулкчиликнинг янги турлари — ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари пайдо бўлмоқда, оила пудрати кенг кўламда жорий этилмоқда.

Қайсики вилоятда, туман ва жамоада ер ҳақиқий эгасини топса,— деди Ислом Каримов,— мулкка, меҳнатга муносабат ўзгарса, деҳқон хайрихоҳлик, қўллаб-қувватлашни сезса, ўша ерда юксак ижобий самараларга эришиш мумкин.

— Бизнинг юритаётган сиёсатимиз, амалга ошираётган ислоҳотларимиз, нимаики иш қилаётган бўлсак, ҳамма-ҳаммаси одамларимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришга қаратилган, деб таъкидлади Йўлбошчимиз.

Президентликка номзод билан учрашувда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси Ангор тумани бўлими раиси Абрай Мусурмонқулов, жарқўрғонлик ўқитувчи Ойнахол Муҳаммадиева, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, бойсунлик Шоберди бахши Болтаев Ислом Каримовнинг юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашдаги, иқтисодий ва сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, халқ бахт-саодати йўлидаги фидойилигини таъкидлаб, барча сурхондарёликларни 2000 йил 9 январда унинг номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири**



## ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ КАСБ-ҲУНАР

**Шу йил 21-23 декабрь кунлари РТМда ўтказилган "Йил мактаби — 99" республика кўрик-танлови ҳакамлар ҳайъати аъзолари беллашувда иштирок этган мактабларнинг барчаси ғолиб, деб таъкидлашганди. Гап шундаки, танловда қатнашган жамоаларнинг ҳар бирида ўзига хос ўқитиш технологияси шаклланган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 63-мактаб (раҳбари Холбой Жумақов)да ўғил-қизларга таълим-тарбия бериш тадбиркорлик билан уйғун ҳолда олиб борилаяпти.**

**Шуниси қувонарлики, мактабнинг аксарият битирувчилари ўқитувчилик касби этагидан тутишган. Илм масканида фаолият кўрсатаётган 40 фоиз ўқитувчи шу мактаб битирувчиларидир. Улар дарсларга фақат янгилик билан киришга интилаётирлар. Инглиз тили фанидан "Саёҳат", "Мушоира", математикадан "Қадимги қалъалар ўлчови", "Беруний юлдузлари", тарих фанидан "Авлодлар сири", "Қадимги қалъалар тилга кирганда" каби сабоқлар ўқувчи шахсини шакллантиришда муҳим омил бўлаётир. Натижада фан олимпиадаларида иштирок этувчи ўқувчилар сони йил сайин кўпаймоқда.**

**Замонавий техника воситалари билан таъминланган ЭҲМ хонаси, 2 та лингафон ҳамда меҳнат таълимига мослаштирилган дурадгорлик, чилангарлик, тикувчилик хоналари, шунингдек, 23 та турли хил ўқув-техника воситалари билан жиҳозланган фан хоналарида 1310 нафар ўқувчи бемалол шуғулланадилар.**

**Ўтган ўқув йилида ўқувчиларни бевосита касбга йўллайдиган устахоналар хизмати ва мактаб участкасидан 1 млн. 157 минг сўмдан ортиқ соф даромад олинди. Даромадлар ўқувчилар ва илм маскани эҳтиёжи учун ишлатилмоқда. Мактаб тўлиқ таъмирланди. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар харид қилинди. Хуллас, жамоа қадрдон мактаби жамият тараққиётида ўзининг муҳим ўрнига эга бўлиши йўлида изланмоқда.**

**МУХБИРИМИЗ**

**Суратда: мактаб директори Холбой Жумақов ва туман ХТБ методика хонаси мудири Эгамберган Ўрозалиев навбатдаги вазифалар хусусида фикрлашмоқдалар.**

**Равиль АЛЬБЕКОВ**
**олган сурат.**

## АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ АНДИЖОНЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Андижонда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзоди кўрсатилган мазкур партия Марказий кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг андижонлик сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Вилоятдаги сиёсий партиялар, турли жамғармалар, ташкилотлар вакиллари ва раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари фаоллари, жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари мухбирлари иштирок этган ушбу учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Андижон округ сайлов комиссияси раиси Тўхтан Мирзаев очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Андижондаги "Тожметалл" ҳиссадорлик жамияти раиси Шавкат Ҳасанов йиғилганларга номзоднинг таржимаи ҳоли, меҳнат ва илмий фаолияти ҳақида сўзлаб, Абдулҳафиз Жалолов мамлакатимиз илм-фани ривожига, қонунчилигимизни такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшаётганини, у бошчилик қилаётган Халқ демократик партияси сафи кенгайиб, ташкилий ва назарий жиҳатдан мустаҳкамланаётганини таъкидлади.

Президентликка номзод Абдулҳафиз Жалолов учрашувда сўзга чиқиб, ўзининг сайловолди дастури партия дастури билан ҳамоҳанглигига эътиборни қаратди.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Асака шаҳар кенгашининг биринчи котибаси Зуҳрахон Бозорова, Андижон Давлат университети декани ўринбосари Баҳодиржон Деҳқонов, Қўрғонтепа туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси Муҳаббатхон Абдуқодирова, Андижон шаҳар "Андижон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммаджон Тўрабоев андижонлик сайловчиларни демократик тамойиллар асосида ўтаётган Президент сайлови куни — 2000 йил 9 январда мустақил республикамизнинг озод ва обод келажаги учун сидқидилдан меҳнат қилишга чоғланган муносиб номзод учун овоз беришга чақирдилар.

**К.НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбири**

**АҚЛИЙ ЗАКОВАТ САРИ**
**ёхуд таълим-тарбия жараёнида физиканинг имкониятлари**
**2-бет**

**«Маърифатли ёшлар қўллаб-қувватларкан, мақсадга етишишимиз аниқ»**
**3-бет**

## JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида келгуси Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида Давлатлараро авиация қўмитаси раиси Татьяна Адонина ҳамда Россиянинг С.Ильюшин номидаги Бирлашган конструкторлик бюроси Бош конструктори Генрих Новожиловни қабул қилди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида 27 декабрь куни Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида Давлат илмий-техника ахбороти, Очиқ жамият институти кўмак жамғармалари ташаббуси билан "Ўзбекистон фани XXI аср бўсағасида" мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.**

**• Москвадаги "Иллюзион" кинотеатрида ўзбек фильмлари ҳафталиги бошланди.**

**• Перу Республикасининг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонасида Ўзбекистон Республикаси ва Перу Республикаси ўртасида БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма коммюнике имзоланди.**

**• Испания пойтахти Мадрид атрофида портловчи моддалар юкланган автомашина қўлга олинди.**

**• Янги йил тантаналарида Лондонда тартибни сақлаш учун нафақат кучайтирилган полиция қисмлари, балки ҳарбий авиация ва армия бўлинмалари ҳам жалб қилинади.**

**• Покистон ҳукумати халқаро террорчи Усама бин Ладин муаммосини ҳал қилишга тайёрлигини билдирди.**

**• АҚШ Европада жойлашган асосий авиабазасини Германияга топшириш тўғрисидаги битимни имзолади.**

## КЕЛАЖАККА БИР НИГОҲ

**Ko'rgazma**

Маълумки, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "1999—2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури"га биноан сўнгги йилларда мамлакатимизда янги ташкил этилаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари энг замонавий, жаҳон стандартларига мос келадиган ўқув асбоб-ускуналари ва жиҳозлар билан босқичма-босқич таъминланиб келмоқда.

Бу жараёнда нафақат мамлакатимизнинг нуфузли саноат корхоналари ва ташкилотлари, балки хорижлик ҳамкорлар билан бирга ташкил этилган қўшма корхоналар ҳам иштирок этишмоқда.

Таълимга йирик-йирик саноат ишлаб чиқариш бирлашмалари, қўшма корхоналар, хусусий фирмалар ва чет эллик сармоядорларни кўпроқ жалб этиш мақсадида республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Урта махсус, касб-ҳунар таълими маркази мунтазам равишда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун зарур жиҳозлар, ўқув асбоб-ускуналари тайёрлашга бағишланган тендер кўргазмаларини ўтказиб келмоқда.

Пойтахтимиздаги Сирғали политехника касб-ҳунар коллежида ўз ишини бошлаган кўргазма ҳам ўрта бўғин таълим муассасаларини мебель жиҳозлари билан таъминлаш мақсадига йўналтирилган. Бир ой давом этадиган ушбу кўргазмада биринчилардан бўлиб "ФАЙЗ" холдинг компанияси, "Тошкентмебель", "Қорақалпоқмебель" ҳиссадорлик жамиятлари, "Мактабмебель" қўшма корхонаси, "Katris", "KRONOSDA" хусусий фирмаси, спорт асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарувчи "Стеклопластик" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, Самарқанддан "Эл" инновацион фирмаси, Россиядан "Увадрев" очиқ ҳиссадорлик жамияти ва бошқа корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

**Н.УСМОНОВ**

## ХАТЛАРДАГИ ҚАЛБ ҲАРОРАТИ

**Izhor**

Тест таълим тизимига дадил кириб бормоқда. Таълим жараёнига тестларни татбиқ этишга уриниш жуда кучайди. Ўқув юртларига талабаларни қабул этишда тестларнинг қўлланиши оддий бир ҳолатдек туюла бошлади. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан жорий этилган тест тизими орқали ҳар йили олий ва ўрта махсус ўқув юртларига билимдон, салоҳиятли, кенг қамровли фикр юрита оладиган ёшлар қабул қилинмоқда. Ёшлар тест орқали ўзлари танлаган ўқув юртларига кириб, муваффақиятли таълим олмоқдалар. Президент Девонига, Вазирлар Маҳкамасига ва Давлат тест марказига талабалардан, уларнинг ота-оналаридан келган хатларда тестдан мамнунлик, уни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги фикрлар баён этилган. Масалан, қашқадарёлик Ражаб Суяров 4 фарзанди тест синовидан ўтиб, муваффақиятли ўқиётганини ёзади. 10 фарзанднинг отаси, ҳозир нафақада бўлган бу киши тестлар воситасида билимли, иқтидорли ёшлар ўқишга кираётганлигини мамнунлик билан баён этади. Бухоро вилоятидан Жасур Исмоилов тест имтиҳонида 210,7 балл тўплаб, Бухоро Давлат университетининг иқтисодиёт факультетида, Шерзод Алиев 218,0 балл тўплаб Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида, Азим Аминов 215,0 балл тўплаб Тошкент Давлат молия институтида таҳсил олаётганлиги ҳақида ёзади. Термиз шаҳридан ўқитувчи Л.Абдураҳмонова фарзандлари Гулноза Жумаева ва Шавкат Жумаевлар тест синови орқали Термиз Давлат университетига муваффақиятли қабул этилганлиги ҳақида ёзадилар. Бундай миннатдорчилик хатлари ҳар бир вилоятдан кўплаб келиб турибди. Ўзларининг барча куч ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, чуқур билим олиб, тест технологиясини мукаммал эгаллаб, таълим масканларига ўқишга кирган ва муваффақиятли таълим олаётган ёшларга зафар ёр бўлсин.

**МУХБИРИМИЗ**

## Ўқитувчи ён дафтарига

### ПАРИШОНХОТИРЛИККА ҚАРШИ

**Олимлар фаромушхотирликка қарши очиқ ҳавода кўпроқ сайр қилишни ёки боғдорчилик ишлари билан шуғулланишни тавсия этишмоқда. Тажрибалар 60-70 ёш атрофидаги кексаларнинг ҳам мунтазам сайр қилганларида олти ойдан сўнг соғлигида ва хотирасида руҳий тетиклик ҳис қилишларини кўрсатмоқда.**

### ИСТАК ИНОБАТГА ОЛИНДИ

**Ҳиндистон олий суди кўплаб саёҳатчиларнинг истакларини инобатга олиб, мўъжизакор меъморий обидалардан бири ҳисобланмиш Тожмаҳал мақбарасини уч кеча очиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди. Меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш тарафдорларининг айтишича, мақбара 15 йилдан буён тунда ёпиб қўйилади, лекин шунга қарамасдан ёдгорлик барибир жабр кўрмоқда.**

### КЕКСАЛАРГА ИМТИЁЗ

**Хитой пойтахти Пекинда пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиши қатъий талаб остига олинади. Бу борада мамлакатда фақат кекса кишиларгина имтиёзга эга. Етмиш ёшдан ошганларгина бу ерда кўчанинг ўзларига қулай бўлган жойидан бемалол кесиб ўтишлари мумкин.**

### ҲАРАКАТЛАР ЗОЕ КЕТМОҚДА

**1960 йилдан буён дунё фазошунос олимлари томонидан ўтказиб келинаётган Марс тадқиқотлари бирон-бир самара бермаяпти. Хусусан, АҚШ тадқиқотчилари томонидан олиб борилган бу йўлдаги энг сўнгги Марс лойиҳаси ҳам натижасиз тугаганлиги маълум бўлди. Мазкур лойиҳа учун икки йил давомида 330 млн. доллар маблағ сарфланган эди.**

## "ЗАҲИРАЛАР ЧЕКЛАНГАН, ИЖОДГА ЧЕГАРА ЙЎҚ!"

### ёхуд Жанубий Корея тараққиётининг сири

**Muqoyasa**

Жанубий Корея 60-йилларгача иктисодий жиҳатдан ночор бўлиб, ялпи миллий даромади буйича дунё мамлакатлари рўйхатида охиридан тўртинчи ўринда бўлган. Ҳудудининг катта қисми тоғли жойлардан иборат бўлиб, табиий ва минерал захиралари кам, экин экиладиган ерлар чекланган, саноати йўлга қўйилмаган мамлакат кенг қамровли ислоҳотлардан кейин мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Ҳозир Корея Республикаси тараққиёти жиҳатидан дунё мамлакатлари орасида 12- ўринни эгаллаб турибди. Қисқа муддатда эришилган ютуқларнинг сири нимада?

Албатта, унинг асосини ижтимоий ва сиёсий барқарорлик, фуқаролар тотувлиги, ислоҳотлар стратегиясини аниқ ишлаб чиқиш ва уларни қатъият билан изчил амалга ошириш, ташқи омиллар, мавжуд коммуникациялардан оқилона фойдаланиш ва ҳоказо омилларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бундай сиёсат учун корейс халқи 60-йиллардан бошлаб йигирма йил давомида давлатни бошқарган Президент Пакнинг хизматларини алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Унинг раҳбарлигида ислоҳотлар стратегияси ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилди. Хом ашё заҳиралари кам бўлишига қарамай, қатъият билан саноат корхоналари қуришга киришилган. 1968 йилда Posko металлургия комбинатининг қуриб ишга туширилиши мамлакат саноатининг ривожланишида алоҳида аҳамият касб этди. Эндиликда «SAMSUNG», «DAEVOO», «HUNDAY», "LG-Caltex» корпорацияларининг маҳсулотлари бутун жаҳонга кенг тарқалмоқда. Сиртдан қараганда бироз жўн кўринган бу улкан тараққиётнинг замирида баъзан инсон кўзи дарҳол илғайвермайдиган буюк маънавий қудрат ётади. У оилада, мактабда, ўқув юртларида шаклланади ва ривожланади.

Шу маънода Корея Республикасида ҳам таълимга устивор йўналишлардан бири сифатида қаралади. Буни нафақат давлат сиёсати нуқтаи назаридан, балки ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига Шарқ халқларига хос бўлган алоҳида аҳамият билан қарайдиган турмуш тарзида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда жуда кўп хусусий болалар боғчалари мавжуд бўлиб, улар 3 ёшдан болаларни қабул қиладилар. Ҳар бир боланинг ўзини тутиши, у ёки бу ўйинга қандай қизиқиши, интилиши ўрганилади. Деярли ҳар бир болалар боғчасида алоҳида «кузатиш хоналари» мавжуд бўлиб, мутахассислар ва ота-оналар болаларнинг ўзини қандай тутишини хоналар ичида туриб кузатишади. Болалар эса қора ойна ортидаги хонада кузатаётган кишини кўришмайди. Ота-оналар тарбиячилар билан ҳамкорликда тузилган режа асосида болаларнинг тўғри шаклланиши устида ишлайдилар. Болалар боғча ёшиданоқ замонавий компьютер аппаратлари, технологиялар билан ўйин тарзида яқиндан танишади. Барча боғчаларнинг тарбияланувчилари режа асосида мамлакатнинг тарихий жойлари, саноат корхоналари, телерадиостудиялари ва бошқа жойларга экскурсиялар уюштириб, таништириб борилади. Болалар боғчасида ёзув ва ўқиш қисман ўргатилади, бу машғулотни асосан ота-оналар фарзандларига мустақил равишда ўргатадилар.

**Умумтаълим мактаблари** 12 йиллик бўлиб, 6 йиллик бошланғич синф (мактаб), 3 йиллик ўрта синф ва 3 йиллик юқори синфларга ажратилган.

Бошланғич мактабларга одатда 6 ёшдан қабул қилинади, лекин таълим вазирлиги 1996 йилдан бошлаб қисман 5 ёшдан ҳам қабул қилишга рухсат берган. Бошланғич мактабларда ўтиш имтиҳонлари йўқ, ҳозир мамлакатнинг юз фоиз болалари ушбу ўқув даргоҳларда ўқишлари учун шароит яратилган.

Ўрта мактабларнинг маълум бир қисми пуллик, аммо барча ҳудудларда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул ўқитилади. Ўрта мактабларда ҳам ўтиш имтиҳонлари йўқ. 1996 йилдан бошлаб юз фоиз болалар ўрта мактабни тугатмоқдалар.

Юқори мактаблар асосан бўлажак талабаларни тайёрлайди, уларни тугатмасдан олий ўқув юртларига кириш мумкин эмас. Юқори мактабларнинг катта қисми саноат йўналишига ихтисослаштирилган. Масалан, 1995 йилда улар юқори мактабларнинг 62,5 фоизини ташкил этган.

**Касб-ҳунар ўқув юртлари** 2 ва 3 йиллик бўлиб, асосан техника йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлайди ва уларга иккинчи даражали мутахассис сертификати берилади. Касб-ҳунар билим юртларидан тест синовлари асосида олий ўқув юртларининг 3-курсларига ўқишга қабул қилиш ҳам мумкин.

Жанубий Кореядаги **коллежлар** кўпроқ техника йўналишида бўлиб, уларда кичик мутахассислар тайёрланади. Масалан, Хосео техника коллежи 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, мазкур коллежда 12 йиллик тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати 2 йил. Коллеж 1993 йилда малака ошириш ўқув юрти сифатида ташкил этилган бўлиб, 3 та бўлим (факультет)га 883 та талабани қабул қилган. Ҳозир 8 та факультетда 2400 талаба ўқийди. Коллежда ахборотни бошқариш, ҳисоб, информатика ва алоқа, электрон меъморлик — лойиҳалаш, компьютер техникаси ва дизайн, мультипликация коммуникациялари, интернет, компьютер графикаси каби бўлим (факультет)лар фаолият кўрсатади.

Мазкур ўқув даргоҳида ҳар кунлик машғулотлар 6 соатни ташкил этади. Ўқитувчиларнинг ҳафталик ўқув юкламалари 18 соат. Бу эса ҳар бир ўқитувчининг ўз билим малакасини доим ошириб бориш имконини беради.

Коллежнинг ўқув дастурида амалий ва лаборатория машғулотларига катта эътибор берилган. Улар юқори даражада таъминланган техник воситалар ёрдамида амалга оширилади. Коллежда 1300 дан ортиқ компьютер мавжуд бўлиб, улардан 430 таси интернет тармоғига уланганлиги эътиборга моликдир. Коллежда компьютер техникасини ўрганишдан ташқари чет тилларни ўқитишга алоҳида эътибор берилади. Коллежнинг ички имкониятлари ва ташқаридан олинадиган ёрдам ҳисобидан фақат юқори даражада ўзлаштирувчи 15 фоиз талабага стипендия берилади.

**(Давоми 2-,3-бетларда)**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI



Fikr

# АҚЛИЙ ЗАКОВАТ САРИ

## ЁХУД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ФИЗИКАНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ҳозирги пайтда тараққиётимиз тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Ақлий заковат, маънавий камолот, инсофу диёнат, мурувват, меҳр-оқибат — булар маърифатли, маънавиятли инсоннинг асосий фазилатларидир. Ана шу фазилатларни ёшларимизда шакллантириш олимлар, зиёлилар, ўқитувчилар, тарбиячилар зиммасидадир. Дарҳақиқат, ёшларнинг маънавий тарбиясида мактабда бериладиган таълимнинг, хусусан, физика таълимининг табиат илмининг энг асосий компоненти сифатида ўз ўрни ва аҳамияти бор.

Ўқувчиларга физика фанини ўқитиш фақатгина формулаларни ёдлаш тарзида бўлмаслиги керак.

Ўқувчиларимиз олаётган билим, амалий кўникмаларининг асосий мазмунини тўлиқ идрок этсалар, моҳиятини тўғри ва аниқ тушунсалар, шу билим, кўникмалар келажакда қандай асқотишини, келажакда қай даражада фойда беришини, фан-техника ва халқ хўжалигида қандай аҳамиятга эга эканлигини аниқ тасаввур қилсаларгина физика таълими мақсадга мувофиқ амалга оширилган бўлади, шундагина биз физиканинг илмий-ғоявий масаласини тўғри ҳал этиш билан бир қаторда маънавий тарбия бериш имкониятларидан замон талаблари даражасида фойдаланиб таълим берган бўламиз.

Мактаб физика таълими физиканинг умумтаълим тизимидаги кенг имкониятларидан тўлалигича фойдаланишни тақозо этади. Бунда асосан ўқувчиларга бериладиган билим ва кўникмалар физиканинг ғоявий, техникавий ва гуманитар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бойитилиши муҳим таълимий аҳамиятга эга. Зеро, физика ва техника тараққиёти истиқболлари, физиканинг жамият тараққиётидаги роли, фан тарихи ҳақидаги маълумотлар ёшларни сиёсий-ғоявий, ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбиялашда муҳим омил эканлиги физика тараққиёти даврлари синовидан ўтган ҳақиқатдир.

Айниқса, физика таълими ёшларнинг табиат ҳодисаларини илмий-ғоявий жиҳатдан тўғри идрок қилишларини, жисмларда, умуман табиатда бўладиган турли хил ўзгаришларнинг сабаб-натижа тамойили асосида рўй беришини ҳамда объектив ҳаракатерга эга эканлигини диалектик асосда тасаввур қилишларини шакллантиради. Шунинг учун ҳам “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ёшларга бериладиган таълимнинг методологик асосларини сингдириш алоҳида таъкидланади.

Физикавий назариялар, қонунлар ўзининг методологик моҳияти асосида сингдирилгандагина таълимнинг ғоявий аҳамияти таъминланган бўлади. Айниқса, молекуляр-кинетик, нисбийлик, квантлар каби физикавий назариялар ўқувчиларнинг мактаб физика таълимида илмий-ғоявий жиҳатидан шаклланишларида муҳим ўринни эгаллайди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, физика ўқитиш ва ўқувчиларни тарбиялаш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш учун керакли бўлган ишонч ва қарашларни ривожлантириш билан органик боғланиши керак. Шунга кўра, физика ўқитишнинг ғоявий-тарбиявий йўналишини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, физика ўқитувчисининг вазифаси ўқувчиларда табиатдаги ҳодисаларнинг диалектик тавсифи ва моддийлик моҳияти ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштиришдан иборат бўлмоғи зарур.

Физиканинг техникавий имкониятлари халқ хўжалигида алоҳида ўринга эга.

Физика техниканинг асосидир, чунки физика қонунлари техникада кенг қўлланилади. Физика соҳасидаги кашфиётлар янги техниканинг пайдо бўлишига ва тараққиётига сабаб бўлади. Техниканинг тараққиёти ўз навбатида фаннинг янада ривожланишига олиб келади.

XX асрда физика соҳасида кўплаб кашфиётлар яратилди. Булардан бири ядро энергиясини амалий хосил қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва ундан халқ хўжалигида фойланиш бўлди. Жуда юқори температурали ва юқори босимли буғ ҳосил қилиш усулларини тадқиқ қилиш асосида катта қувватли буғ турбиналари қурилди. Ҳавода жисмнинг товуш тезлигида ва товушдан тез ҳаракатлари қонунларини ўрганиш ва реактив двигателлар соҳасида қўлга киритилган ютуқлар асосида самолётсозлик ва ракетасозликда катта муваффақиятларга эришилди. Коинотга ер сунъий йўлдошлари чиқарилди ва сунъий “сайёра” яратилди, инсон коинотга қадам қўйди. Ойга, Венерага ва Марсга автоматик станциялар қўндириш амалга оширилди. Бундан кўринадики, физика фанининг техникавий имкониятлари илмий-техника тараққиёти ривожланишида ва фундаментал соҳаларнинг юксалишида намоён бўлади. Масалан, қаттиқ жисмларнинг электр ўтказувчанлик хусусиятларини ўрганиш ярим ўтказгичларнинг кашф этилишига, бу эса ўз навбатида фотоэффект ҳодисаларининг очилиши, радиотехника ва радиоэлектроника ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Фотоэффект ҳодисасининг очилиши автоматиканинг ривожланишига катта имкониятлар яратиб берди. Автоматик бошқариш тез вақт оралиғида жуда кўп ахборотларни ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

Физика фанининг техникавий имкониятларини очиб бериш билан бирга унинг яратувчилари ҳақида ҳам ёшларга маълумотлар бериб борилиши уларнинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутади.

Бу борада физика ва техниканинг ҳозирги замон даражасига кўтарилишига муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистон олимларидан, ўзларининг ядро физикаси, қаттиқ жисмлар физикаси, яримўтказгичлар физикаси ва бошқа соҳалардаги илмий ишлари билан танилган У. Орипов, С. Азимов, С. Стародубцев, С. Умаров, Г. Умаров, М. Саидов, В. Отақулов, Т. Мирзамаҳмудов, Т. Мўминов, У. Ғуломов, Р. Бекжонов, П. Ҳабибуллаев, Л. Хўжаев, А. Абдураззоқов ва бошқаларнинг хизматлари ҳақида маълумотлар бериш физика таълимининг илмий-ғоявий ҳамда маънавий-маърифий аҳамиятини янада оширади.

Ҳозирги кунда республикамиздаги ядро физикаси институтида, физика-техника илмий тадқиқот институтида, электроника илмий тадқиқот институтида, иссиқлик физикаси бўлимида ва олий ўқув юртларининг экспериментал лабораторияларида тинимсиз илмий изланишлар олиб борилмоқда.

“Миконд”, “Алгоритм” ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида аҳоли эҳтиёжлари ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган турли хил замонавий техник асбоблар ишлаб чиқарилмоқда.

Айниқса, Ўзбекистонда аҳолини ва халқ хўжалигини электр энергияси билан таъминлашга катта эътибор берилиб, аҳолининг ўсиши, саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигида энергияга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бориши назарга олиниб, бу талабларни қондириш мақсадида янги-янги ГЭС (гидро электр станция)лар билан бир қаторда ҚЭС (Қуёш электр станция) ларидан фойдаланишга катта аҳамият берилаётир.

Ўзбекистон қуёшли ўлка бўлганлиги сабабли Қуёш электр станциясидан фойдаланиш истиқболи порлоқ.

Ўзбекистон Фанлар Академияси физика-техника институти олимлари томонидан Қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи галио қурилмалар лойиҳалари ишлаб чиқилди. Дастлабки қуёш электр станциялари қуриб ишга туширилди.

Галио қурилмалар ёрдамида биноларни иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш, мевалар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш, шўр сувларни чучуклаштириш, иссиқхоналарда полиз маҳсулотларни етиштириш, кўчатлар ўстириш мумкин. Айниқса, қуёш печлари ёрдамида 3000-3600 градусгача юқори температура ҳосил қилиб, илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши ҳозирги даврда фан ва техниканинг юқори даражада тараққий этганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда ядро физикаси ҳали жуда “ёш” бўлишига қарамай, унинг ривожланиши улкандир. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

Бу соҳанинг республикамиздаги асосчилари У. Орипов, С. Азимов, С. Стародубцев ва Р. Бекжоновлар ҳисобланади. Ядро физикаси бўйича атом реакторидан фойдаланиб, юқори савияда ўтказилган дастлабки тадқиқот ишларини Р. Бекжонов бошлаб берди.

Ўзбекистонда физика фанини ўқитиш услубини яратишда Б. Мирзаҳмедов, Д. Шодиев ва бошқа заҳматкаш услубчи олимларнинг алоҳида ўринлари бор. Буларнинг физика ўқитиш услуби соҳасидаги ишлари мустақил давлатлар ҳамдўстлиги услубчи олимлари томонидан тан олинган.

Ҳар бир соҳада физика фанининг роли ва ўрни бор. Айниқса унинг гуманитар имкониятлари бениҳоядир. Математика, механика, физика, химия, биология каби фанларнинг ўзаро боғлиқлиги фан ва техникада тамомила, янгича сифат ва принципларга эга бўлган қонунлар, назариялар ва гипотезаларнинг вужудга келиши инсониятни ҳар томонлама асраш, уни оғир меҳнатдан халос қилишга олиб келди.

Ҳозиргача агрономлар ўсимликларнинг ўсиши қуёш нурига, ҳавога, ёғингарчилик миқдорига, тупроқ ҳароратларининг ўзгаришларига боғлиқлигини ўзларининг тажриба ва билимларига асослаб изоҳлашар эди. Эндиликда буларнинг ҳаммаси аниқ ўлчаш имкониятига эга бўлган махсус асбоблар билан аниқланади. Автоматик асбоб-ускналар келажакда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқаришга, ҳосилдорликни олдиндан билишга ва уни кўпайтириш учун ўз вақтида чоралар кўришга ёрдам беради.

Физика фанининг гуманитар имкониятларидан яна бири кибернетикага боғлиқ равишда ривожланиши бўлиб, инсоният саломатлигини олдиндан диагнозлашдир.

Маълумки, ҳозирги кунда фанда одам миясининг “модели” мавжуд бўлиб, бу модел орқали ақлий фаолиятнинг айрим турлари аниқланган. Бу борада республикамизда “Кибернетика” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида медицина кибернетикаси билан шуғулланилмоқда. Профессор Х. Қодиров раҳбарлигида олиб борилаётган медицина соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари, яъни бош мия фаолиятида бўладиган жараёнлар ва ахборотлар узатишнинг математик моделлари, кўз касалликларини даволашни математик моделлаштириш методлари ёрдамида автоматлаштириш, сунъий юрак клапанини танлаш учун математик моделлар, ошқозон, жигар, гепатит касалликлари ҳамда мускулларнинг турли ҳаракатларини очиб берувчи математик моделлар ва автоматик воситалар айни кундаги инсон саломатлигини сақлашдаги самарали илмий – тадқиқот ишлардандир.

Ўйлаймизки, биз танлаган йўналишда физика фанининг ғоявий, техникавий ва гуманитар имкониятларининг очиб берилиши замонавий физикани ўқитиш услуби яратилишига асос бўлади.

**Х. ИНАТОВ,**
**Жиззах ВПХМОИ Табиий фанлар кафедраси мудири, доцент,**
**М. ҲАСАНОВ,**
**шу институт Оммалаштириш ва нашриёт бўлими услубчиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси**

# ДОМЛА НАҚЛ ҚИЛАДИ



### Суҳбат ва Хислат

“Бу хонадондан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас”.

Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги жумла эҳтимол эсингизга тушгандир. Ёзувчига асар қаҳрамони тилидан бу гапни айтиш нега лозим бўлган?

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвони соҳиби Ҳикматилла Абдуллаев буни изоҳлаб шундай нақл қиладилар:

—Халқимизга хос хислатлардан бирини таъкидламоқчи бўлган, яъни ҳеч кимнинг дилига озор етказмаслик, бировни ноўрин хафа қилмаслик. Муқаддас китобимиз Қуръони Каримда ҳам қайд қилинган: “Иззаи мўмин ҳаромдир”.

Эътирозсиз ҳақиқат. Шундай бўлса-да, домладан сўрашга ботиндим:

—Нима учун Қодирийнинг бу гапи хотирингизга келди?

—Бунга қай даражада эришдим, билмадим. Кишилар кўнглига озор беришдан ўзимни асраш доимий шиорим бўлган. Гўёки, ёзувчи жумласидаги “хонадон” сўзини “киши”га алмаштирганман. Бировга билиб-билмай дилозорлик қилиш энг ёмон иллат...

Ҳикматилла Абдуллаев билан жуда кўп гурунг қилганман. Суҳбатимиз қандай мавзуда бўлмасин, ҳар гал у кишининг қайсидир хислатини кашф этаман. Домла кечаги ва бугунги маорифни солиштириб, фикр айтади. Фикр айтишдан эринмайди...

### Минбардан айтилган гаплар

Ўттиз йил ортда қолди... Салмоқли рақам.

Ҳикматилла Абдуллаевнинг бу йиллар орасида ўқиган маърузалари қанча? У киши неча маротаба минбарга кўтарилган экан?

Авлоний номидаги ХТХМОМИда мактабшунослик кафедрасидаги йигирма йиллик фаолият. Ҳикматилла Абдуллаев шу кафедрага мудирлик қилиш баробарида мактаб, унинг раҳбари, ўқитувчиларнинг бир-бирлари билан муносабатлари, педагогика фанининг ҳаёт билан узвий боғлиқ жиҳатлари хусусида кўпдан-кўп маърузалар ўқиди. Аслида минбардан туриб, сўз айтмоққа салоҳият ҳар кимда ҳам топилавермайди. Кўпни кўрган, илм-маърифатдан ташқари турмуш тажрибасини ҳам пухта эгаллаган кишиларгина тўпланганлар олдида жўяли, маънили гап айтишга қодирдирлар.

Домланинг маърузасини тинглаган маорифчилар сон-саноқсиз. Мана, фикр исботи билан.

Ta'lim jonkuyarlari

Р.Ботиров — Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 2-ўрта мактаб директори:

—Раҳбарлик одоби ва маданиятини ким қандай эгаллаган? Аслида у қандай бўлиши керак? Абдуллаев домланинг минбарга чиқиб, нутқ ирод этишларидан баҳраманд бўлганман. Мактаб раҳбарининг маънавий дунёси хусусида у киши кўп ва хўп гапирадилар. Иш жараёнида у кишининг айтганлари қулоғим тагида жаранглаб туради.

М.Муҳитдинова — Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти тарих кабинети мудири:

—Ўқитувчилик касбига хос хусусият. Миллий педагогика. Оилада бола тарбияси. Ҳикматилла Абдуллаевнинг маърузалари ранг-баранг, тинглай туриб зерикмайсан. У кишидан кўп нарсани ўрганишимиз зарур.

Бўка туманидаги 38-мактаб директори Исмоил Умаралиев ҳам худди шундай фикрда. Умуман, домланинг чиқишларидан баҳра олганлар ҳар қайси вилоятнинг олис қишлоқларида ҳам топилади.

Ҳ.Абдуллаев ҳамон минбардан туриб, мактабшунослик илмини таҳлил қилмоқда. Домла ҳозирда Низомий номидаги ТДПУда ўз иш фаолиятини баҳоли-қудрат давом эттираяпти.

### 2,5 мингта дарс кузатуви

Ҳ.Абдуллаев 1960 йилдан то ҳозирга қадар шунча дарс кузатибдилар. Кузатмоқ ҳам, уларни умумлаштирмоқ ҳам вақт талаб қиладиган жараён. Домла андижонлик муаллим Мамажон Абдурасуловнинг дарсига ҳам кирган. Синф ўқувчиларининг асосий қисми бир дақиқа ичида 135-145 тагача сўз ўқиганларига гувоҳ бўлган. Бунинг замирида муаллим меҳнатининг заҳмати ётганини кўра олди.

Дарс кузатувлари тўғрисида Ҳикматилла Абдуллаев вақтли матбуот нашрларида юзлаб мақолалар эълон қилишга эришди.

Домла 70 ёшга кирган бўлишларига қарамай, ҳамон мактабларга боришни, дарс кузатишни канда қилмайди. Уларни умумлаштиради, таҳлил қилади, ютуқ-камчилигини кўрсатади. Жамлаб, нимадир ёзади. Қисқаси, ҳар бир дарсдан нимадир топади. Шундай ишларнинг 90 таси мақола, 23 таси рисола ҳолида чоп этилган.

Инсоннинг ўтган умридан қониқиш ҳосил қилиши кам учрайдиган ҳодиса. Чунки унинг билиб-билмай қилган ёмон амаллари яхшисидан кўпроқ ва оғирроқ тош босиши мумкин. Шу боис ёш бир жойга борганда айримлар оғир тин олади.

Назаримда, таълим-тарбия хусусида ҳамон ўйлаб, ташвиш чекаётган фидойи инсон Ҳикматилла Абдуллаевда бундай ҳолат кечмаса керак. Ана шунинг ўзи катта гап.

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

# СИЗГА МАНЗУР БЎЛАДИ



Jurnalning yangi sonida

Ватан келажаги, унинг порлоқ истиқболи ҳар томонлама ўсиб келаётган соғлом авлодга боғлиқ. Баркамол авлод –Ватаннинг, ота-онанинг бахти. 2000 йилни Президентимиз “Соғлом авлод йили” деб эълон қилганлиги, келаётган йилда фарзандларимиз саломатлигига, уларнинг билим олишига, истеъдодли ва қобилиятли бўлиб етишишига катталар томонидан бериладиган эътиборнинг яна ҳам юксак бўлишига сабаб бўлиши, шубҳасиз.

“Соғлом авлод учун” журнали ҳам ўз анъаналаридан чекинмаган ҳолда журналнинг 1999 йил учун мўлжалланган сўнгги сонини ўқувчиларига ҳавола этди.

Журнал “Ватаннома” рукнида яқиндагина катта шодиёналар билан нишонланган Жалолиддин Мангуберди ва “Алпомиш” достонининг юбилейи муносабати билан Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида ўтган тантаналар ҳақида сўз юритиш билан очилади.

Азал-азалдан одамлар нима учун оилани ғоят юксак даражада қадрлаши тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Чунки оила инсонга энг матлуб шарт-шароитлар беради. Никоҳ ривожланиши ва гуллаб яшнаши учун нима қилиш керак? “Ишончлилик – кимдир сизни бир умрга севиш ва қадрлаш қарорига содиқлигига ишонч ҳосил қилишингиз, қандай қийинчилик ёки муаммоларга дуч келинмасин, биз уларни биргаликда ҳал этамиз, деган фикрнинг собитлиги” дейди америкалик руҳшунос Гарри Смоли. Бу каби ибратли сўзларни журналдаги “Оилага руҳшунос кўзи билан қараганда...” мақоласида ўқишингиз мумкин.

“Фикрлаш, ақл кучи – инсонга хос фазилат” шу сарлавҳа остида Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов билан суҳбатни ўқийсиз. Бу суҳбатда каратэ федерациясининг қўлга киритган ютуқлари, спортнинг бу тури ҳам соғлом, бақувват бўлишга асос яратиши мумкинлиги ҳақида сўз боради.

“Ижтимоий ҳимоя кафолатланган” мавзусида эса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногирон болалар таълим-тарбиясига давлат томонидан берилаётган эътибор хусусида сўз юритилади.

“Маънавий қадриятларни бой тарихий, маданий мерос сифатида ўрганиш самарали бўлади, бу ютуққа эса қатор педагогик шартларга таянган ҳолда эришиш мумкин. Шу ўринда олий ўқув юртларида жорий этилган фанларнинг умумий характери доимий эътиборда туриши шарт.” Бу сўзлар Зуҳра Исмоилованинг “Дарсдан мурод ҳосил бўлсин” мақоласида учрайди.

Ўзининг буюк келажагини яратиш ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга интилаётган республикамиз учун мутахассис кадрлар тайёрлаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунда, албатта, касб-ҳунар коллежларининг ўрни каттадир. “Касб-ҳунар коллежлари: дастлабки қадамлар” мақоласида республикамизда касб-ҳунар коллежларига берилаётган эътибор, коллежларда олиб борилаётган тажриба-синовлар айтиб ўтилади.

Шунингдек, журналда “Наби Ғаниев—бетакрор режиссёр” (Ҳамидулла Акбаров), “Сут билан сингган меҳр”, “...Санъатда топар равнақ” каби бир қатор қизиқарли мақолалар ҳам ўрин олган.

**Шарифа МУРОДЖОН қизи**

*Тошкент шаҳридаги 128-мактабда математика фани сир-асрорларини ўқувчиларга меҳр билан ўргатаётган ўқитувчилар қаторида 34 йилдан буён болаларга билим бераётган Исмат Исаев ҳам бор. Жонкуяр ўқитувчи алгебра ва анализ асослари фанини ўқувчиларга қунт билан ўргатади. Дарсни жонли ва қизиқарли олиб боради. Мактаб, туман олимпиадаларига ўз ўқувчиларини масъулият билан тайёрлайди.*

***Суратда:*** *Исмат Исаев ўқувчилари даврасида.*

**Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.**



# ЮНИСЕФнинг ёрдами

Himmat

БМТнинг ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Руди Родригес жанобларининг ташаббуси билан Беруний тумани мактабларининг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳимматпарварлик намунаси кўрсатилди. Жумладан, Ў.Жуманиёзов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги 9-мактаб (директори Д.Тожимуротова) учун 1 миллион сўм маблағ ажратилиб, унинг иситиш тизими қайта таъмирлаб берилди. Тумандаги барча мактабларни муайян миқдорда ўқув қуроллари, яъни бўр, елим, дафтар, қалам, расм солиш учун акварел бўёқлари каби буюмлар билан таъминлади.

Шунингдек, Тўрткўл туманидаги 5, 13, 22-мактаблар ҳам ЮНИСЕФнинг ёрдамидан баҳраманд бўлишди.

**Ғойиб ЁҚУБОВ,**
**ўз мухбиримиз**

# “ЗАҲИРАЛАР ЧЕКЛАНГАН, ИЖОДГА ЧЕГАРА ЙЎҚ!”

## ёхуд Жанубий Корея тараққиётининг сири

(Боши 1-бетда)

Хосео техника коллежи АҚШ, Япония, Германия ва Хитой давлатлари ўқув юртлари билан яқиндан алоқа ўрнатиб, талабалар алмашишни йўлга қўйган. Бу коллежда Ўзбекистондан ҳам талабалар ўқимоқда.

Юқори малакали кадрлар, табиийки, **олий ўқув юртларида тайёрланади.** Жанубий Корея олий мактаблари асосан 4 йиллик, шунингдек 2-6 йиллик аспирантуралари мавжуд. Умуман тўлиқ олий маълумот олиш учун ушбу мамлакатда жами 20 йилча ўқиш керак бўлади. Мамлакат умумий аҳолиси (43 млн. киши)нинг тахминан 10 фоизи талабалардир. Шу ўринда университетлар фаолияти билан танишиш диққатга сазовордир.

Жанубий Кореяда 180 та университет мавжуд бўлиб, уларнинг 40 таси давлат тасарруфида, қолган 140 таси хусусийдир. Шунингдек, 11 та тўрт йиллик педагогика олий ўқув юртлари бошланғич мактаблар учун кадрлар тайёрлайди. Қаранг, давлат университетларида ҳам 60 фоиз маблағ давлат бюджетидан, 40 фоиз эса талабалар томонидан қопланади. Хусусий университетларда эса давлат маблағнинг фақат 5 фоизини ажратади, 90 фоизини талабалар тўплашади, 5 фоизни университет тадбиркорлик фаолияти орқали топади.

Хусусий университетларда талаба бир ўқув йили учун ўртача тўрт минг АҚШ доллари тўлаб таълим олади, коллежларда эса бу харажат **икки — икки ярим минг** АҚШ долларини ташкил этади. Айрим университетларда иқтидорли талабалар пул тўлашдан озод этилган.

Барча университетларда масофадан ўқитиш жорий этилган, яъни профессор томонидан топшириқлар ва уларнинг жавоблари масофадан туриб компьютер орқали бажарилади. Университетларда талабалар кўпроқ мустақил топшириқларни бажаришади. Шунинг учун ҳам уларнинг бир ҳафталик аудитория машғулотлари 18-20 соатдан ошмайди. Талабаларнинг қолган вақтлари бекор ўтмайди. Мустақил тайёрланиш жараёни интенсив кечади. Чунки ўзлаштириш учун талабага қўйиладиган талаблар юқори бўлганлиги сабабли у доим изланишга, айтиш мумкин бўлса, ижодий изланишга мажбур ва мойилдир. Шунинг учун белгиланган маълум билим савиясига эга бўлиш учун талаба тегишли профессорга маслаҳат сўраб қайта-қайта мурожаат қилиши мумкин. Ўзлаштирган билимларини қайд этиш учун у компьютер орқали синовларни топшириб боради. Синовлар баъзан компьютер орқали масофадан туриб топширилади, синов натижалари профессорнинг компьютерида қайд этилади. Кореядаги барча ўқув юртлари шу тартибга амал қиладилар. Масалан, Хосео университети профессор ва ўқитувчиларининг аудитория машғулотлари ҳафтасига ўртача 9 соатни ташкил этади, талабаларники эса 18 соат. Эътибор беринг, бу жуда кам. Бундай шароитдан мустақил фойдаланишнинг мукаммал механизми яратилмаса, табиийки билимни мустаҳкамлаш қийин. Корея университетларида бу механизмлар мавжуд. Билим олишга қўйиладиган талаблар даражаси юқори, тартиб-интизом аниқ йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, мустақил ишлашнинг қатъий тартиби жорий этилган.

Корея олий ўқув юртларида ўқиш иккита семестрга бўлиниб, 1-семестр ўқув йилининг март-август ойларига, 2-семестр эса сентябрь-февраль ойларига тўғри келади. Қишки таътил декабрь-феврал ойларида (2-2,5 ой), ёзги таътил июль-август ойларида (2 ой) бўлади. Эътиборли томони шундаки, бир ўқув йилида тўрт ярим ой таътил вақти талабалар томонидан қатъий режалаштирилиши лозим. Чунки таътил талабага маълум ўқув дастурини мустақил ўзлаштириш учун берилади. Ўқув амалиётларини мустақил ўзлаштириш жараёнида талаба кўп ҳолларда интернет орқали бошқа мамлакатларнинг кутубхоналари ва ўқув юртларидан материаллар олишга, мутахассислиги бўйича тегишли корхона ва муассасаларда маълум тажриба орттиришга, шартнома асосида ишлашга мажбур бўлади. Ва албатта, шу вақт мобайнида талабалар белгиланган кўплаб тест синовларини топширадилар. Шундай йўсинда улар танлаган касблари бўйича ўзларини тайёрлаб боришлари керак бўлади.

Айрим университетларда ниҳоятда кўп ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрланади. Масалан, давлат тасарруфидаги энг йирик Сеул университетида 120 дан ортиқ ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланса, энг биринчи ташкил этилган (1885 йил) хусусий Ёнсе университетида эса 83 та ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланади. Хосео университетида талабалар филология, философия, иқтисод, қонун ва ҳуқуқ, ўлкашунослик, саноатшунослик, математика, физика, жисмоний тарбия, озиқ-овқат маҳсулотлари, бадиий графика, театр, электр, телекоммуникация, химия, архитектура, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш каби жами 20 та ихтисослик бўйича ўқитилади. Хан Кун авиация университети эса давлат тасарруфида бўлиб, унинг учувчилик, техник-механика ва аэродинамика, телекоммуникация ва информатика, радиоэлектрон ускуналар, ҳаво кемаси, металшунослик, механика ва лойиҳалаш, компьютер техникаси, аэродинамика бошқарув фаолияти каби факультетлари бор. Бу ўқув даргоҳининг учувчилар факультетида талабалар 11 та умумтаълим фанлари, 12 та мутахассислик, 8 семестрга мўлжалланган 47 та ихтиёрий фанларни ўзлаштиришлари лозим. Биринчи курсда ўрганиши шарт бўлган умумтаълим фанларига корейс тили ва Корея маданияти, инглиз тили, компьютер техникаси киради.

Ихтиёрий фанлар мустақил ўрганилади ва уй вазифалари кўринишида интернет (маъруза, адабиётлар) ёрдамида албатта инглиз тилида бажарилади.

Ўқувчилар учун 1100 метрли учиш ўқув полигони, 6 та М-20 У (АҚШ), 4 ўринли 2 та ҒН-20 (Япония) самолётлари мавжуд. Учиш машқлари 3- курсдан бошланади. Қизиғи шундаки, машқлар учиш парашютисиз бажарилади.

Ҳар йили 60 нафар ўқувчи ўқишни тамомлаб, ишлаш учун аэропортга ёки ҳарбий учувчиликка боради. Илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилган, университетда авиация саноати аспирантураси ва илмий текшириш маркази мавжуд. Мазкур илмий текшириш маркази таркибида бир неча институт ва марказлар, масалан, самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази, чет тиллар институти, алоқа институти, авиация хавфсизлиги институти ва бошқалар бор.

Fanimiz fidoiylari

# ЭЛШУНОС ОЛИМ



1945 йил. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, жангга кетишдан олдин бошлаган ўқишимни тугатиш учун институтга қайтдим. Мени иккинчи курс аудиториясига олиб кириб, бўш ўринни кўрсатишди. Разм солдим. Ёнимда бир жуссаси ихчам, озғин, қарийб ўспирин ўтирарди. Ўша йигитча бугун ўлкамизда танилган катта олим Исо Жабборов эди.

Биринчи кунларданоқ, у ўзини менга яқин ола бошлади. Менда ҳам унга нисбатан қизиқиш уйғонди. Ўқиган китоблари хусусида фикрлашар, ёзган шеърларини ўқиб бериб, мендан фикр-мулоҳазаларимни сўрарди. Мен ҳам унинг истакларини эътиборсиз қолдирмасдим. Шу йўсинда орамизда ҳамфикрлик бошланди.

Институтни тугатгач, бир-биримизга сабабчи бўлдик шекилли, сиртқи бўлимда дарс беришга жалб қилиндик: мен адабиётшуносликдан, Исо тарихдан. Бу унинг тарих фанига бўлган меҳрини янада кучайтирди. Ёши эндигина 17га борган ўспирин институтни битириб, шу ернинг ўзида ўрта мактаб ўқитувчиларига дарс берса! Бир жиҳатдан бу ҳол ажабланарли туюлса, иккинчи жиҳатдан ёш дўстимнинг иқтидоридан дарак берар эди.

Илмга қизиқиш ёш Исони Тошкентга етаклади. Ўша пайтлар САГУ деб аталадиган Тошкент Давлат университетида, кейинчалик Москва университетида тарих фани сирларини ўрганди.

Умуман, Исо Жабборовнинг тарих илмига астойдил кириб боришига бошқа бир сабаб ҳам бўлди. У Москва университетида талабалик чоғларида С.П.Толстов раҳбарлигидаги машҳур Хоразм экспедициясида фаол иштирок қилди. Назаримда, Исо мазкур экспедициялар давомида тарих фанининг туб сир-асрорларини, мураккаб, чигал нуқталарини англаб етгандек бўлди.

Дастлабки изланишлар, малакали экспедиция ишларидаги фаоллик ўз натижасини берди. 60-йилларнинг бошларида у "Кўҳна харобалар сири" номли китобини эълон қилди. Хуллас, Хоразм экспедицияси кўпгина қадимий топилмалар билан тарих хазинасини бойитди. Мазкур ашёлар тарихчи учун том маънодаги ноёб топилмалар эди. Зеро, майда бўлиб кўринган ашё ва белгилардан йирик хулоса чиқара билиш тарих илмининг ўзига хос хусусиятларидан бири. Ёш тадқиқотчи тарихнинг бу хусусиятини ўз вақтида англаб олди. Зотан, унинг бу ҳаракати 50-йилларнинг бошларида ҳимояга қўйилган Хоразмда ҳунармандчилик тарихи мавзуига доир номзодлик диссертациясидан бошланган эди. Ёш олим изланишларининг илк ютуғи бўлган бу ишда Хоразм ҳунармандчилигининг ўзига хос белгилари — ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик безаклари, заргарлик маҳорати, кийим-кечакдаги миллий ўзига хосликлар орқали қадимий ўлка тарихига илмий назар ташланди. Хоразм тарихига тегишли бу иш илмий доираларда катта қизиқиш уйғотди: 1971 йили Москва — Ленинградда рус тилида, 1973—75- йилларда Америкада инглиз тилида чоп этилди.

Шундай қилиб, Исо Жабборов ўзининг илмдаги илк қадамидан бошлаб этнограф-тарихчи сифатида шаклланди.

Олим 70-йилларда ижтимоий тараққиёт ва маиший турмуш муаммоси мавзуида изланишлар олиб борди. Бу муаммо кўпроқ фалсафий йўналишда бўлиб кўринса-да, негизида этнографик тамойиллар ётарди. Баъзан 20-30- йиллари ишланган кинофильмларни кўрганда ўша даврдаги ўзбек билан 70-йиллардаги ўзбек орасида катта фарқ борлигини, баъзи бир урф-одатларда, кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмларида, умумий маиший турмуш, маданиятда катта бурилиш бўлганини англаймиз. Бу гал Исо Жабборовни тарихнинг шу томонлари қизиқтирди. Унинг 1973 йили нашр қилинган "Ижтимоий тараққиёт, маиший турмуш ва дин" номли монографик асари шу масалаларни қамраб олади. Шу китоб асосида Исо Жабборов фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олишга муяссар бўлди. Аслида этнография фалсафага яқин, фалсафа эса аксарият ҳолларда тарихий тараққиёт, жумладан, этносоциологик қарашларга суянади.

70-йиллар Исо Жабборов учун етуклик йиллари бўлди. Энг муҳими, 50 йиллик илмий ва педагогик ишлар унинг илм доирасини кенгайтирди, чуқурлаштирди. Хусусан, тарихнинг бир неча муаммолари бўйича олиб борган жиддий изланишлари унда олим сифатида ўзига ишонч туйғусини оширди. Шу асосда у жаҳон этнографиясига тегишли манбаларни умумлаштиришга киришди ва "Жаҳон халқлари этнографияси" номли салмоқли асарни яратди.

Маълумки, тоталитар тузум мафкураси ҳукмрон даврда дарсликлар яратиш фақат собиқ марказ ихтиёрида бўларди. Хусусан, тарих фани бу жиҳатдан жиддий назоратда турарди. Шу боис, ўша даврда Исо Жабборовнинг жаҳон этнографиясини умумлаштириб, дарслик яратиши ўзига хос жасорат бўлди.

1994 йили Исо Жабборов "Ўзбек халқи этнографияси" номли монографиясини эълон қилди. Бу 50-йилларда илмга қўйган илк қадамининг бевосита давоми эди. Айни пайтда мазкур иш этнография илмининг мавқеини кўтарадиган, илмий жиҳатдан анча умумлаштирилган, теран жиддий тадқиқот бўлди. Асар ҳудуд жиҳатдан ҳам чекланмаган. Унда республиканинг барча эл-элатлари қамраб олинган. Тадқиқот мавзуи жиҳатидан ҳам чекланиш кўзга ташланмайди. Қисқаси, китобда ўзбек ҳаётининг умум манзараси, ўзбек қиёфаси, унинг ҳаёти имкон даражасида тўла кўрсатилган. Матбуотда эълон қилинган академик С.Камоловнинг тақризида бу китоб "Ўзбекни танитадиган асар" деб ҳақли равишда қайд қилинган эди.

Булардан ташқари асарда бошқа бир муҳим масала ҳам кенг ёритилган. Бу ўзбекнинг шажарасига, келиб чиқиш ва халқ сифатида шаклланишига тегишли масаладир. Ўзбек халқи энг қадимий, унинг тарихи минг-минг йиллар билан белгиланади. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Мана шу ҳақиқатни Исо Жабборов этнография нуқтаи назаридан ишонарли қилиб ёритиб берган.

Исо Жабборов китоб ва мақолаларида асосан инсоннинг дунёқараши, унинг онги ва ички ҳис-туйғуларига тегишли ўй-фикрларини чуқур таҳлил этади. 80-йилларнинг охирларига келиб бу қарашлари унинг йирик "Диний олам: жаҳолат ва камолот" номли монографиясида мужассамлаштирилди. Олим жиддий илмий изланишларни давом эттириб, мустақиллик йилларида, (1993) археолог олима Г.Дреснанская билан ҳамкорликда рус тилида "Ўрта Осиё руҳлари, авлиёлари ва маъбудалари" номли янги асарни нашр эттирди. Мазкур тадқиқотларида жамият тараққиёти ва дин муаммоларига тегишли масалаларни ёритишга ҳаракат қилинган. Муаллифлар ибтидоий даврлардаёқ юзага келган диннинг илк кўринишларига, унинг минтақадаги ривожига алоҳида эътиборни қаратишади. Айниқса, кейинги тараққиёт давомида инсон онгида пайдо бўлган ҳар хил диний тасаввурларнинг эволюцияси натижасида муайян тизимга тушган диний оқимларнинг юзага келиш муаммоларини ёритишади. Бу муаммоларга доир кузатишлар тарихий-археологик топилмалар, ноёб ёзма манбалар ва этнографик кашфиётлар асосида исботланган.

Қисқаси, таниқли олим диннинг бугунги ижтимоий моҳиятини, жамиятда тутган ўрнини, мустақилликка эришган демократик давлатимизнинг инсонга виждон эркинлигини таъмин қилиш ва уни кафолатлаш йўлидаги одилона ҳаракатларини аниқ кўрсатиб беради.

Мустақилликка эришганимиздан кейин минтақамизда давлатчилик тарихини ўрганиш фаннинг муҳим талабларидан бирига айланди. Бу ҳақда юртбошимиз Ислом Каримов ҳам кўп марта фикр билдирди. Исо Жабборовнинг навбатдаги — "Буюк хоразмшоҳлар давлати" монографияси айни шу масалага тааллуқлидир. Бу асарнинг қисқа муддатда пайдо бўлиши муаллифнинг ўз даври билан доимо ҳамнафас, теварак-атрофда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга ҳозиржавоб эканлигини яна бир бор исботлади.

Мен Исо Жабборов ҳақида ўйлаганимда, институт аудиториясида тарихдан лекция ўқиб бошлаган ўн етти яшар йигитча, ундан кейин илмий изланишларнинг барча машаққатларини босиб ўтган — археологик қазишмалар ва этнографик кузатишлар, ихчам мақолалардан тортиб, катта-катта илмий монографиялар, жиддий тадқиқотларни эълон қилишгача бўлган жараённи босиб ўтган етук олим қиёфаси кўз олдимда гавдаланади.

**Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор**

---

**S p o r t**

### САЙҚАЛЛАНАЁТГАН ЎЗБЕК КУРАШИ

**Миллий курашимиз ривож топган Сурхондарёнинг Музрабод туманида 380 нафар ўқувчи-ёшлар кураш мусобақаларида иштирок этмоқда. 12 вазн тоифасида 3 босқичдан иборат беллашувларга ХТБ услубчиси О.Хушвақтов ҳакамлик қилмоқда.**

### "ЮЛДУЗ"ЛАРГА ОЛҚИШЛАР

**Ўтган ҳафта "Туркистон" саройида 1999 йилги энг кучли спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Дастлаб Жаҳон, Осиё, Олимпиада чемпионлари ва совриндорларини мухлислари зўр эҳтиром билан қарши олди. Муносиблар ҳомийлар томонидан тақдирланди.**

### "СУПЕР БУРГУТЛАР" ТАЙЁРГАРЛИКДА

**Яна бир ойдан сўнг футбол бўйича Африка биринчилигига старт берилади. Айни пайтда "Супер бургутлар" номини олган Нигерия терма жамоаси Жо Бонфрере мураббийлигида тайёргарликни бошлаган. Испанияда ўтаётган ҳозирликлар таҳлилига кўра, жамоа кучли тўртликка даъвогар бўлиш имконига эга.**

### СПОРТНИ САНЪАТ БИЛГАН

**бразилиялик футбол қироли Пеле жаҳондаги энг яхши спортчи номини қўлга киритган эди. Жесси Оуэнс, Муҳаммад Али ва Пааво Нурмилар ичидан Пеленинг ғолиб бўлишига сабаб, у спортни санъат билган ва муваффақият ижрочилик қобилиятига боғлиқ деб ҳисоблаганидадир.**

### ПОЛВОНЛАРИ БОР ЮРТ

**ҳамиша курашаверади. Бешкент шаҳрининг Марказий ўйингоҳида полвонлар - Б.Ҳамроқулов, О.Тошев, С.Давлатовлар ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлишди. Алланазар Очилов мутлақ чемпион деб эътироф этилди.**

**m a y d o n ch a s i**

---

## ЖАҲОН КУБОГИГА САРАЛАШ

Пойтахтимизнинг "Динамо" спорт мажмуида самбо бўйича Ўзбекистон Кубоги баҳслари поёнига етди. Унда республикамизда энг кучли вилоят терма жамоасини ҳамда самбочиларнинг шахсий биринчилиги ғолибларини аниқлаш мақсадида 9 вазн бўйича етти жамоа вакиллари ўртасида мусобақа бўлиб ўтди. Вилоят терма жамоалари беллашувларида пойтахтлик самбочилар барча рақибларини енгиб, кубок соҳиби бўлишди. Шундан сўнг баҳслар самбочиларнинг шахсий биринчилиги учун икки кун давом этди.

— Полвонларимиз ўртасидаги шахсий биринчиликдан кўзлаган мақсадимиз келгусидаги Жаҳон Кубоги баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилувчи кучли курашчилардан иборат республика терма жамоаси таркибини аниқлаб олиш эди, - деди самбо бўйича республика терма жамоаси бош мураббийи Равшан Аҳмаджонов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Келаси йилдан бошлаб мазкур мусобақанинг биринчи ва иккинчи ўрин соҳиблари билан Жаҳон Кубоги баҳсларига тайёргарлик кўриш учун ўқув машғулотларини ўтказиб борамиз.

Тўққиз вазн бўйича 300 дан ортиқ самбочилар ўртасида ғолиблик учун кечган баҳсларда Б.Болтаев (Бухоро), Л.Латипов (Тошкент), В.Утигенов (Навоий) ҳамда Самарқанд вилояти вакилларидан А.Раҳимов, М.Шодиев, А.Усанов, И.Юлдошев каби самбочилар ўз вазнларида чемпионликни қўлга киритиб, "спорт устаси" унвонига сазовор бўлди.

Шунингдек, фахрий самбочилар ўртасида республика чемпионати ҳам ўтказилиб, ғолибларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

**"Туркистон-пресс"**

---

## Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бакалавр йўналиши бўйича 2000 йилда қуйидаги фанлар учун дарсликлар қўлёзмалари танловини эълон қилади

| № | Фанларнинг номи | шифр |
|---|---|---|
| | **I блок** **Гуманитар, ижтимоий ва иқтисодий фанлар** | |
| 1. | Ўзбек тили ва адабиёти | B140800 |
| 2. | Диншунослик асослари | B221100 |
| 3. | Психология | B310200 |
| 4. | Чет тиллари | B141200 |
| 5. | Маънавият асослари | B163100 |
| 6. | Сиёсатшунослик | B310100 |
| 7. | Иқтисодиёт назарияси | B340200 |
| 8. | Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси | B140300 |
| 9. | Социология | B310300 |
| 10. | Тарих | B221000 |
| | **II блок** **Математик ва табиий фанлар** | |
| 1. | Дифференциал геометрия ва топология | B460100 |
| 2. | Физика ва астрономия | B140200 |
| 3. | Гидрометрология | B440700 |
| 4. | Математик дастурлаш | B340200 |
| 5. | Экология | B850200 |
| 6. | Дифференциал тенгламалар | B460100 |
| 7. | Атом ва ядро физикаси | B440300 |
| 8. | Эҳтимоллар назарияси | B440100 |
| 9. | География | B440500 |
| 10. | Статистика | B340900 |
| 11. | Квант механикаси | B440100 |
| 12. | Кимё | B440400 |
| 13. | Зоология | B420200 |
| 14. | Механика | B440200 |
| 15. | Аналитик геометрия | B440100 |
| 16. | Математик таҳлил | B440100 |
| 17. | Алгебра ва сонлар назарияси | B480100 |
| | **III блок** **Умумкасбий фанлар** | |
| 1. | Банк иши | B160800 |
| 2. | Радиоэлектроника | B440100 |
| 3. | Автомобиллар ва автомобил хўжалиги | B521400 |
| 4. | Гидравлика | B440200 |
| 5. | Электротехника | B520200 |
| 6. | Корхона иқтисоди | B810300 |
| 7. | Нефт ва газ иши | B540300 |
| 8. | Металлургия | B520400 |
| 9. | Бухгалтерия ҳисоби | B341100 |
| 10. | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | B850100 |
| 11. | Молия математикаси | B341000 |
| 12. | Бизнесни бошқариш | B341600 |
| 13. | Ҳисоблаш математикаси | B480100 |
| 14. | Астрономия | B440300 |
| 15. | Ахборот ва ахборот технологияси | B522600 |
| 16. | Халқаро иқтисодий муносабатлар | B810800 |
| 17. | Биологияни ўқитиш | B420100 |
| 18. | Санъатшунослик | B221000 |
| 19. | Молекуляр физика | B440100 |
| 20. | Инженерлик графикаси | B520200 |
| 21. | Суғурта иши | B160700 |
| 22. | Электроника ва микроэлектроника | B521800 |
| 23. | Энергетика тизимларини автоматлаш воситалари ва электр жиҳозларидан фойдаланиш | B521500 |
| 24. | Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти назарияси | B620700 |
| 25. | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашни механикалаш | B540700 |
| 26. | Микроиқтисодиёт | B340900 |
| 27. | Авиасозлик ва космик техника | B521000 |
| 28. | Машинасозлик технологияси, машинасозлик жиҳозлари ва автоматлаш | B520600 |
| 29. | Транспорт воситаларидан фойдаланиш | B521400 |
| 30. | Халқаро бизнес | B341500 |
| 31. | Агроинженерия | B540700 |
| | **IV босқич** **Ихтисослик фанлари** | |
| 1. | Маркетинг | B340200 |
| 2. | Иссиқлик энергетикаси | B520100 |
| 3. | Эконометрика | B341000 |
| 4. | Телекоммуникация | B163600 |
| 5. | Товаршунослик | B341200 |
| 6. | Доришунослик | B720500 |
| 7. | Ўрмончилик иши | B621600 |
| 8. | Ёғ ва мойлар технологияси | B620900 |
| 9. | Фонд биржаси | B340800 |
| 10. | Даволаш иши | B720100 |
| 11. | Божхона иши | B341700 |
| 12. | Қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этиш ва иқтисоди | B167600 |
| 13. | Кончилик | B540200 |
| 14. | Асбобсозлик | B521700 |
| 15. | Сув хўжалиги ва мелиорация | B540900 |
| 16. | Ижтимоий-маданий фаолият | B168500 |
| 17. | Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши | B580200 |
| 18. | Менежмент | B340200 |
| 19. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бирламчи қайта ишлаш ва сақлаш технологияси | B620800 |
| 20. | Қишлоқ ва сув хўжалиги энергетикаси | B540800 |
| 21. | Ер тузиш ва ер кадастри | B621500 |
| 22. | Педиатрлик иши | B720200 |
| 23. | Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш | B840100 |
| 24. | Агрономия | B620300 |
| 25. | Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш | B168800 |
| 26. | Тупроқшунослик | B620100 |
| 27. | Матбаачилик | B540400 |
| 28. | Журналистика | B310300 |
| 29. | Электроэнергетика | B520200 |
| 30. | Ер усти транспорт тизими | B521300 |
| 31. | Енгил саноат маҳсулотлари технологияси | B540600 |
| 32. | Материалшунослик асослари | B540500 |
| 33. | Социал хизмат | B760200 |
| 34. | Ипакчилик | B620600 |
| 35. | Қурилиш машиналари | B580200 |
| 36. | Электромашинасозлик | B162800 |
| 37. | Ёғоч ва пластмасса конструкциялари | B580200 |
| 38. | Инженерлик тармоқлари қурилиши | B580400 |
| 39. | Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси | B580500 |
| 40. | Сув таъминоти ва канализация | B580400 |
| 41. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги | B580600 |
| 42. | Транспорт ва гидротехник иншоотлар қурилиши | B580300 |
| 43. | Археология | B221300 |
| 44. | Қурилиш конструкциялари | B580200 |
| 45. | Геодезия ва картография | B164600 |
| 46. | Архитектура | B580600 |
| 47. | Геология | B164700 |

**Дарсликлар тегишли фаннинг тасдиқланган дастурлари асосида ёзилган ва таълим муассасаси илмий кенгашининг муҳокамасидан ўтган бўлиши зарур. Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб икки ой. Қўлёзмаларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**

**1. Ташкилотнинг йўлланмаси.**
**2. Илмий кенгашнинг қарори.**
**3. Ички ва ташқи тақризлар.**
**4. Аннотация.**
**5. Фаннинг тасдиқланган ва ОЎМММИда рўйхатга олинган дастури.**
**6. Экспертиза хулосаси.**

**Ғолиб чиққан қўлёзмалар Республика нашриётларида дарслик сифатида нашр этилади.**

**Шунингдек, Вазирлик тасдиқлаган "Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва 1999-2004 йилларга мўлжалланган истиқболли режалар" (150—171-бетлар) бўйича 2000 йилга мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалари қўлёзмалари қабул қилинади.**

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 139-14-15, 41-89-57, 41-10-62.**
**Манзил: 700011, Тошкент-11, Пахтакор кўчаси, 3-уй. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти 28, 23- "а" хоналар.**

---

## Xullas...

### КЎЗГА КЎРИНМАС КИТ

Тинч океан шовуллайди. Унинг тўлқинлари аллақандай сир-синоатларга тўладек. Аслида ҳам шундай...

Океанни макон қилиб яшаётган балиқлар, молюскалар, дельфинлар инсониятнинг кузатуви ёки мурувватига муҳтож эмас. Ўзига хос "умр" соҳибларидан бири Перу қирғоқларида яшовчи 4 метрлик дельфинсифат ҳайвондир.

Денгиз ҳаёти билан шуғулланувчи тадқиқотчилар уни мутлақо янги тур дея эътироф этишди. Кўзга жуда кам кўринувчи кит 1963 йилда кўриниш берган. Шундан бери у ҳеч кимга тутқич бермаган. Тасодифни қарангки, унинг янги тур эканлиги ўлимидан сўнггина маълум бўлди. Тур тўрларга илакишган ҳолда қирғоқда ётарди.

Смитсондаги денгиз сут эмизувчилари билан шуғулланувчи табиий тарих музейи раҳбари Жеймс Мид жанобларининг таъкидлашича, бундай турларни кўриш жуда қийин. Улар қайиқ ва пароходларни жуда катта хавф деб билишади. Шуниси ҳам борки, улар сув тагида бир соатдан зиёд тура олади. Сўнгра бошқатдан шўнғишади.

Кўзга кўринмас китнинг ўлик ҳолда "кўриниши" ҳали анча нарсаларни ойдинлаштиради...

### ГЕНЕТИКАДАН ХАБАРДОР ШАҲЗОДА

Буюк Британия тахти вориси шаҳзода Чарльз генетика фани бўйича олиб борилаётган тадқиқотларни доимо суриштириб туради. "Бу фан насл саломатлигини сақлашда катта роль ўйнайди" деб ҳисоблайди шаҳзода.

Мамлакат шаҳарчаларидан биридаги илмий текшириш институтида доктор Арпад Пусташинни ишдан бўшатишди. Сабаби шундаки, олим чатиштириш йўли билан етиштирилган картошкаларни ўз лабораториясида миридан сиригача текшириб кўрди. Янги нав кишининг иммунитетини, яъни касалликларга қарши кураш қобилиятини кескин пасайтирар экан.

Табиийки, Пусташиннинг янги нав ҳақидаги ҳаққоний фикри институт илмий жамоатчилигига маъқул келмади. Лекин олимнинг сиҳат-саломатлик учун қайғуриши шаҳзода Чарльзга ёқиб тушди. Ахир келажак ҳақида қайғуриш ҳамма олимларга ҳам хос эмас.

Шаҳзода таъқибга учраган олимни ўз ҳомийлиги остига олди, деб хабар беради "Дейли Рекорд" газетаси.

**ana shunaqa gaplar...**

---

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси "Маърифат" газетаси бош муҳаррир ўринбосари А. Раҳимовга отаси

**ЭРНАЗАР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

"Маърифат" газетаси таҳрир ҳайъати, таҳририят жамоаси мазкур газета бош муҳаррир ўринбосари Абдусамат Раҳимовга падари бузруквори

**ЭРНАЗАР ота**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Нурobod туман халқ таълими бўлими жамоаси туман Маънавият ва маърифат кенгаши котиби Эшбадал Раҳимовга ҳамда тумандаги 56-ўрта мактаб ўқитувчиси Эшмамат Раҳимовга падари бузрукворлари

**Эрназар ота РАҲИМОВ**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
***Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.***

Бош муҳаррир
**Ҳалим САИДОВ**

***Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ**

**Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.**
**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.**
**Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Нурлан УСМОНОВ**

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-1000. Тиражи 23.625. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.**
***«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.***
**Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй**
**Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.**